

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
қўмитасига жисмоний ва юридик шахслардан тушган
мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

(2024 йил йил давомида келиб тушган мурожаатлар таҳлили)

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасига жисмоний ва юридик шахслардан 2024 йил давомида **3095 та** мурожаат келиб тушган.

Ушбу 3095 та мурожаатнинг **2830 таси** (91,4%) Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва халқ қабулхоналари орқали, **182 таси** (5,8%) ЭҲА (ЭДО) орқали, **34 таси** (1,0%) Бош прокуратурадан, **132 таси** (4,2%) (*49 таси ёзма, 83 та оғзаки*) эса бевосита Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасига келиб тушган.

Кўриб чиқилган мурожаатларнинг **81%** (2512 таси) ижобий ҳал этилган ёки ҳуқуқий маълумот бериш орқали қаноатлантирилган, **14%** (434 та) мурожаатга умумий мазмундаги тушунтиришлар берилган.

Мурожаатларнинг **35 та** (1%) мурожаатга белгиланган муддатидан кечикиб, шундан **29 таси** (0,9%)га 30 кунлик муддатидан кечикиб жавоб берилган. **11 та** (0,3%) мурожаат (такрорий, аноним бўлганлиги ёки муаллифнинг қайта мурожаатига кўра) кўрмасдан қолдирилган.

Худудлар кесимида таҳлил қилинганда:

- Тошкент шаҳридан – 698 та,
- Андижон вилоятидан - 188 та,
- Бухоро вилоятидан- 200 та,
- Жиззах вилоятидан- 118 та,
- Қашқадарё вилоятидан - 262 та,
- Навоий вилоятидан - 103 та,
- Наманган вилоятидан - 176 та,
- Самарқанд вилоятидан - 247 та,
- Сурхондарё вилоятидан - 168 та,
- Сирдарё вилоятидан - 90 та,
- Тошкент вилоятидан - 363 та,
- Фарғона вилоятидан - 245 та,
- Хоразм вилоятидан - 109 та,

• Қорақалпоғистон Республикасидан - 118 тадан мурожаатлар келиб тушган.

Мурожаатлар таснифи бўйича:

Республика аҳолиси ва соҳа ходимларининг мурожаатларида охириги йиллар давомида ўз долзарблигини йўқотмаган масалалар,

1. Санитария-эпидемиологик осойишталик бўйича – 65%, булар:

- санитария назорати билан боғлиқ,

- СанҚваМга риоя этилмаслиги,

- юқумли касалликлар профилактикаси боғлиқ,

- тиббий муассасаларнинг санитария ҳолатининг қониқарсизлиги тўғрисида,

- ичимлик суви, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисида.

2. Меҳнат муносабатлари – 6%, булар;

- иш ставкасининг камлиги,

- ишдан ноқонуний бўшатирилганлиги, меҳнат шартномасини ходим билан келишмаган ҳолда бекор қилинганлиги

- бошқа меҳнат низолари.

3. Раҳбар ходимларининг хатти-ҳаракатидан норозилик – 1,2%.

3. Дезинфекция тадбирлари – 5,5%.


4. Тиббий муассасаларнинг фаолиятидан норозилик – 2%.

5. Иш ҳақи ва бошқа компенсация тўловлари, коронавирус билан боғлиқ муаммолар бўйича 1% дан ортиқ (булар карантин билан боғлиқ муаммолар, карантин даврида меҳнат муносабатлари, коронавирус тарқалиши билан боғлиқ муаммолар);

6. Бошқа масалалар (соҳага оид таклифлар, тадбиркорлик фаолияти, санитария-эпидемиологик хулосалар билан боғлиқ ва б.) 16%;

7. Мурожаат турларига киритилмаган аризалар 0,5% миннатдорчилик ва ташаккурномалардан иборат.

Мурожаатлар бўлими бошлиғи



Н.Абдурахмонов

“ ” _____ 2024й